

АВТОМОБИЛ ДВИГАТЕЛИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ТАЬМИРЛАШ

Мадрахимов Тулкинжон Якубович

Фаргона вилояти Куба туман касб-хунар мактабининг
Автомобиллар тузилиши укув амалиети фани укитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада автомобил двигателини ташхислаш ва таъмирлаш масалалари хусусидаги фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: Двигател қувватини аниқлаш, Двигателдаги мой камайиши, Газнинг картерга ўтиши, ТВМ ва ГТМ да созлаш ишлари, Двигателни таъмирлаш, Двигателни синаш, Клапан брикмасини таъмирлаш.

Abstract: this article provides ideas on diagnosing and repairing a car engine.

Key words: Determination of engine power, Engine oil depletion, Gas transfer to the crankcase, TVM and GTM adjustment work, Engine repair, Engine testing, Valve repair.

Двигателнинг техник ҳолати, яъни қувватини камайиши, ёнилғи ва мой сарфини ошиши, мой босимини пасайиши, бир маромда ишламаслиги ва тутаб ишлаши, ташхисланиб аниқланади. Ташхислаш ўз ичига двигател қувватини аниқлаш, ТВМ ва ГРМ, ҳамда двигател ва автомобил тизимларини техник ҳолатини аниқлашни олади. Ташхислаш натижаларига кўра созлаш, қотириш ва таъмирлаш ишлари бажарилади. Двигател бўйича ҳисобга олиб бориладиган маълумотлар, автомобильни юрган йўли, двигателни ресурси ва унда қандай таъмирлаш ишлари ўтказилгани, ёнилғи иқтисоди, носозликлар бўйича буюртмалардан иборатdir. Двигателни қуввати тортиш хусусиятини аниқлаш жиҳози ёрдамида ёки жиҳозсиз аниқланиши мумкин.

I. Тортиш хусусиятларини аниқлаш жиҳозида двигател қувватини аниқлашда, бир вақтнинг ўзида автомобилнинг қуввати ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Бунда, тирсакли валининг энг қатта айланиш моментида ёки қувватида, двигателнинг трансмиссиядаги механик йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда, етакчи ғилдиракка келувчи қувват аниқланади.

II. Двигател қувватини жиҳозларсиз аниқлашда, унга юкланишининг таъсир этиши аниқланади, бунда цилиндрни ўчириш ёки инерция кучларини двигателга таъсири ўрганилади.

ТВМ ва ГТМ лар бўйича ташхислаш ишлари

Иzlанишлар шуни кўрсатадики двигател бўйича носозликлар ва бузилишларнинг 30 % ГТМ ва ТВМ зиммасига тушади, ҳамда ТХ ва ЖТ да иш ҳажмининг ярмидан ортиғи шу носозлик ва бузилишларни бартараф этишга

сарфланади. Кўрсатилган механизмларни ташхислаш, уларнинг ташхис кўрсаткичларини аниқлашдан иборат бўлиб, бу ишлар двигателни бўлакларга ажратмасдан туриб бажарилади. Двигател компрессияси бўйича \square бу иш тирсакли вални аккумулятор айлантира олиш частотасида цилиндрда ҳосил бўлган босимни аниқлашдан иборат. Компрессияни аниқлаш қиздирилган двигателда бажарилади. Двигателларнинг турига қараб бу кўрсатгич, корбюраторли двигателлар учун 0.44-0.78 МПа ни, дизел двигателлари учун ками билан 2 МПа ни ташкил қиласди. Компрессия, компрессометр (юқори босимни фиксация қиладиган монометр) ёки компрессограф ёрдамида, свеча ёки форсунка ўрнидан аниқланади (меёрий кўрсатгичдан 30-40 % дан ортиқ кам бўлмаслиги керак).

Мойнинг камайиши бўйича автомобильни эксплуатация қилиш даврида мой сатхи меъёригача тўлдириш йўли билан аниқланади. Мойнинг камайиши халқаларни едирилиши ва клапанлар герметиклигини бузилиши натижасида содир бўлади. Мой сарфи ёнилғи сарфининг 4% дан ошмаслиги керак. Мой сатхи меъёридан камайиши ёки қўпайиши двигателдан чиқадиган газларнинг рангини ўзгаришига олиб келади. Цилиндр ва поршенлар гурухини техник ҳолати қуримни ва заҳарли газларни миқдорини ошиб кетишида муҳим аҳамиятта эга, чунки цилиндр ва поршен ҳалқаларини едирилиши натижасида ёнувчи аралашманинг кўп қисми картерга ўтиб кетади. Газларнинг картерга ўтиши бўйича: бу ЦПГ деталларини ейилишига боғлик бўлиб, иш жараёнида қўпайиб боради. Газнинг ҳажми, ташхислаш жиҳози ёрдамида, юкланиш ва энг катта буровчи моментда аниқланади. У газ счетчиги ёрдамида аниқланиб, мой ўлчаш таёқчаси ўрнига уланади ва маълум вақт ичида картерга ўтган газ миқдори аниқланади. Двигателнинг соз ҳолида, уни стартер билан айлантирганда кўрсатгич 0.5-0.57 МПа ни, ҳамда салт юришда 0.64-0.745 МПа ни ташкил этиши ва бу кўрсатгич ўзгармай туриши керак. Сиқилган ҳавони цилиндрдан чиқиб кетиши бўйича: бу вақтда поршен юқори ёки пастки ўлик нуқтада бўлиб, клапанлар беркилган ҳолатда бўлади, ташхислаш натижасида поршен ҳалқаларнинг ейилганлигини, уларнинг эгилувчанлигини йўқолганилиги, синган ёки қурум босиб қолганлигини, цилиндрнинг ейилганлигини, клапанлар ва поршенлар герметиклиги бузилганлигини аниқлаш мумкин. Двигател ҳолати К-69М прибори ёрдамида, свеча ёки форсунка ўрнидан цилиндрдага юборилган ҳавонинг сарфини монометр ёрдамида аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Шовқин ва тебранишлар бўйича: - механизмларнинг ишлаши жараёнида тебраниш ва шовқин ҳосил бўлади. Бу шовқинлар частотаси, баландлиги ва фазаси маҳсус прибор ёрдамида аниқланади ва этalon кўрсатгич билан солиштириб техник ҳолат аниқланади. Картердаги мойнинг кўрсатгичлари бўйича: -двигател деталларини едирилиши, ҳаво ва мой фильтрининг ишлаш

сифати, совутиш системасининг герметиклиги, ҳамда мойнинг яроқли ёки яроқсизлиги аниқланади. Бунинг учун вақти вақти билан намуна олиб туриш, унинг қовушқоқлигини, ундаги сувни, кремнийни ва едирилган маҳсулотларни таркибини аниқлаб туриш керак. Мойдаги метал маҳсулотлари миқдори билан бирикмаларнинг техник ҳолатини аниқланади. Кремний миқдорини ошиши ҳаво тозалагичларнинг носозлигини, сувнинг пайдо бўлиши совутиш тизимининг носозлигини, қовушқоқликнинг камайиши мойнинг яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини кўрсатади. Двигателларда ТВМ ва ГТМ бўйича созлаш ишлари. Бу ишлар клапан стерженининг юқори қисми билан туртгичлар ёки карамислолар оралиғидаги тирқиши созлаш, двигател таянчини рама билан бирикмасини қотириш, цилиндрлар каллаги ва картерни цилиндр блоки билан биргаликда қотириш ишларини бажаришдан иборат. Клапан тирқишиларини созлаш, ГТМ ровон ишлашини таъминлайди, газ тақсимлаш механизмини меъёрлади, цилиндрларни ёнилғи аралашмаси билан тўлишини таъминлайди, булар ўз навбатида двигателни қувватини ва компрессияни ошишига олиб келади. Цилиндр каллагидаги болтларни қотириш билан совутиш суюқлигини герметиклиги ва газларни пракладкалар орқали чиқиб кетмасилиги таъминланади. Бунинг учун диномометрик калитлар ишлатилади. Гайкаларни тортиш кетма-кетлиги ва моменти завод томонидан кўрсатмада қайд этилган бўлади. Двигателни таъмирлаш ишлари. Двигателни жорий таъмирлашдаги энг асосий ва муҳим ишлар қуйидагилардан иборат: поршен халқалари, поршенларни, поршен бармоқларини, ўзак ва шатун бўйнидаги вкладишларни (таъмирлаш ўлчамларига мослаб), блак қистирмасини алмаштриш, клапаннинг эгарини силлиқлаш, сўнgra махсус аралашма билан артиш, махсус эритмалар билан мой йўлларини ювиш ва тозалаш, редукцион клапанни тозалаш ёки алмаштириш ва бошқалар. Двигател тамирланиб йифилгандан сўнг, махсус жиҳозда совуқ ва иссиқ усулларда синалади. Бирикма ва боғланмаларни таъмирлашда тиклаш (ремонт) ўлчамларидан фойдаланилади. Шатуннинг юқори ва пастки каллагининг параллеллиги махсус мослама ёрдамида текширилади, чунки у ишлаш жараёнида эгилиши ва букилиши мумкин. Шатунни тўғрилаш пресст остида бажарилади. Тирсакли валнинг ўзак ва шатун ўрнатиш бўйинчаларининг диаметр бўйича ейилиши 0.01 мм дан ошган тақдирда ёки, двигателнинг салт юришида (мой насоси ва редукцион клапан соз бўлганда) мой босими 0.05 МПа дан паст бўлганда, улар кейинги таъмирлаш ўлчамгача силлиқланади ва шу ўлчамга муносиб вкладишлар танланади □ Вкладишларнинг таъмирлаш ўлчамлари 0.25 - 1.0мм оралиқда бўлади.

Клапанларни жорий таъмирлашда ички фаскалари ва уларнинг ўтириш эгарчалари махсус паста билан ишқаланиб, жипс бекиладиган қилиб тикланади. Двигателга тхк ва таъмирлашда техника хавфсизлиги талаблари. Чилангарлик

ускуналари билан ишлашда, гайка калитларидан фойдаланишда, уларнинг ўлчами гайка ўлчамига тўла мос тушадиганини танлаб олиш керак. Носоз асбоб-ускуналардан, узайтиргичлардан(гайка билан калит орасига нарса қистириб бураш) фойдаланиш тақиқланади. Деталларни ишқорий эритмалар билан ювишда, унинг таркибий концентрацияси 6% дан ошмаслиги керак. Этилли бензинда ишлайдиган двигателлар деталларини ювишдан олдин, бензиндан тозалаш (нейтролизация қилиш) керак. Агрегатларни қўтариш, қўйиш, ўрнатиш ва ташиш фақат соз ҳоллардаги қўтариш-ташиш жиҳозларидан фойдаланиб, бажарилади.

Адабиётлар

1. Техническая эксплуатация автомобилей. под ред. Е.С.Кузнецов М: Т.,1991г.
2. Крамеринко Г.В, Барашков И.В. Автомобилларга техникавий хизмат кўрсатиш. Тошкент. 1998 й.
3. Инструкции по эксплуатации и ТО автомобилей ЭСПЕРО, НЕКЦИЯ, ТИКО и ДАМАС, СЕУЛ, КОРЕЯ "DAEWOO MOTOR CO.,ЛТД.